## МАРКАЗГА МАРҲАМАТ

**Илгари муайян сармояга эга фуқаролар хусусий фирма ёки корхона очиш учун турли идораларнинг қабулхоналарида ҳафталаб, ойлаб вақтларини беҳуда ўтказишарди. Идорама-идора ҳужжат йиғиб, сарсон-саргардон бўлишарди. Бундай ҳол ўзимнинг ҳам бошимдан ўтган.**

4 бет



## ЧАЁН БОЛАСИ

**2007 йилнинг ёз ойларига келиб улар расман ажрашишди. Қайнонасидан астойдил хафа бўлган Анжела судга келгани ҳам йўқ. Ажрашганлик ҳақидаги муҳр босилган паспортини кейинчалик унга эри олиб келиб берди.**

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 26-mart, № 13 (638)

## Байрам тадбири бўлиб ўтди

Бугун юртимизнинг қайси гўшасига борманг, ҳамма жойда Наврўзи олам тантаналари, сайиллари устидан чиқасиз. Бу пайтда барча бир-бирини муборакбод этиб, энг эзгу тилакларини изҳор этади. Юртимиз тинч-омон, ризқ-рўзимиз бутун бўлсин, ҳар бир эзгу ишларимизга барака берсин, дея ният қилинади. Тинч ва осуда кунларимизга шукроналар айтилади.

Барча жойларда бўлгани каби Бош прокуратурада ҳам яшариш ва янгиланиш байрами бўлмиш Наврўзи олам катта тантана билан нишонланди.

Байрам тадбирида Бош прокуратуранинг барча ходимлари, прокуратура фахрийлари ва бошқа меҳмонлар қатнашдилар. Самимий табриклар санъаткорларнинг шўх куй-қўшиқларига уланиб кетди.

ТАҲЛИЛ

## ҚОНУНГА ТАЯНГАН ТАДБИРКОР

Турли мулк шаклларига асосланган бозор муносабатлари мамлакатимиз иқтисодиётининг асосини ташкил этади. Зеро, мустақиллик йилларида амалга оширилаётганислоҳотларнинг иқтисодий негизида тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес, фермерлик, хусусий тадбиркорликка кенг йўл бериш, уларнинг мулкий муносабатларини жаҳон андозалари асосида ларини ҳимоя қилиш, бу соҳадаги бюрократик тўсиқларнинг олдини олиш масалалари ўз ечимини топди. Ушбу фармондан сўнг Президентимизнинг яна бир қатор фармонлари қабул қилинди ва улар асосида мамлакатда ўрта ва кичик бизнес, фермер хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан қонунларимизга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

мувофиқлаштириш, ялпи ишлаб чиқаришдаги кичик бизнес улушининг ортиб боришига эришиш вазифалари туради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига турли аралашувларнинг олдини олиш, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаат-

Бу ўз навбатида тадбиркорлик субъектларининг эркин ҳаракат қилишлари, уларнинг ялпи ишлаб чиқаришдаги улушларининг ортишига, қонуний манфаатларининг дахлсизлигига олиб келди. Бугун қонунга таяниб иш кўрган тадбиркор учун барча имконият эшиклари очиқ. Биргина Жиззах вилоятида бугунги кунда 18597 та кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Бу вилоятда фаолият кўрсатаётган жами юридик шахсларнинг 91 фоизини ташкил этади. Иқтисодиёт тармоғида банд бўлган аҳолининг 77,2 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. 2008 йил якунларига кўра кичик бизнес субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши қарийб 73 фоизни ташкил этди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш масалалари прокуратура органларининг доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Бундай ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида вилоят ва туман ҳокимликларида, прокуратура ва солиқ идораларида «Ишонч телефонлари» ташкил этилди. 2009 йил 19-25 февраль кунлари эса Жиззах шаҳри ва барча туманларда ҳокимликлар, солиқ идоралари, тижорат банклари ва бошқа назорат органлари билан ҳамкорликда тадбиркорлар ва бизнес субъектлари вакиллари билан учрашувлар уюштирилди.

Бу тадбирлар давомида тадбиркорлар, шу жумладан, фермерларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари яна бир бор тушунтирилди, уларнинг талаб ва мурожаатларига эътиборсизлик ҳолатлари аниқланиб, ноқонуний ҳаракатлар бартараф этиб борилди.

2008 йил давомида прокуратура органлари томонидан ўтказилган мониторинг ва текширишларда фермер хўжаликларига ноқонуний олиб қўйилган 605,6 гектар ер майдони қайтариб берилди, уларга 271 тонна минерал ўғит, 140,7 тонна уруғлик чигит, 153,7 тонна уруғлик дон, 184 тонна нефт маҳсулотлари олишларида ёрдам кўрсатилди. Айни пайтда 62 млн.сўмлик дебитор, 27 млн. сўмлик кредитор қарзларининг ундирилиши таъминланди.

**(Давоми 3-бетда).**

ҚОНУН ИЖРОСИ

## ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИ ОРТМОҚДА

**Сўнгги пайтларда шаҳарнинг гавжум жойларида, серқатнов кўчалар, бозорлар, жамоат транспортларида ўрнатилган одам савдоси билан боғлиқ ҳолатлар ва унинг оқибатлари ҳақидаги баннерлар ва плакатларни тез-тез кўриш мумкин бўлиб қолди.**

**Дарҳақиқат, ҳудуд ва чегара билмайдиган жиноятлар — уюшган жиноятчилик, наркобизнес, халқаро терроризм каби ўта оғир жиноятлар қаторига одам савдоси дея аталмиш яна бири қўшилдики, ўтган асрлардан давом этиб келаётган бу иллат бугунга келиб, трансмиллий жиноят турига айланди.**

Пул топишнинг «антиқа» усулини топган айрим кимсаларнинг тўрига, афсуски, аксарият ҳолларда аёллар ва ёшлар тушиб қолишмоқда. Албатта, бу иллатга қарши курашиш учун авваламбор, халқаро ҳамкорликка эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши, Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда Республика идоралараро комиссиясининг тузилиши билан юртимизда бу жиноят турига қарши курашишнинг самарадор механизми ишлаб чиқилди. Шу билан бирга бу жиноятдан жабр кўрганларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди.

Ўтган куни Тошкент шаҳар прокуратурасида «Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш ишлари ҳамда бу борада прокурор назорати аҳволи» мавзусида пойтахт ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда пойтахтимизнинг барча туман прокурорлари, уларнинг ўринбосарлари, туман ИИБ бошлиқлари ва ўринбосарлари ҳамда бошқа тегишли идораларнинг мутасадди ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишда шаҳар прокуратурасининг 2009 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси асосида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш ҳамда бу борадаги прокурор назорати аҳволи таҳлил қилинди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда одам савдосига қарши курашиш ва унинг оқибатларини кенг оммага етказиш борасида бир қатор тадбирлар ўтказилгани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, шаҳар ҳокимиятининг прокуратура ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари, ўқув юртлари, мактаб, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, маҳаллалардаги учрашувларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Албатта, 2008 йил мобайнида Тошкент шаҳрида 56194 та янги иш ўринларининг яратилиши (шундан янги объектларни ишга тушириш ҳисобига 1816 та, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 2320 та, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобига 36714 та, юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар ҳисобига 11503 та) бу борада олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини янада оширишга замин яратиши шубҳасиздир. Банкдан кредит линиялари орқали 79808,6 млн. сўм миқдорида ажратилган маблағ ҳам янги иш жойларини яратиш мақсадида қилинаётган хайрли тадбирлар сирасига киради.

Шунингдек, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг фош этилиши, кўзғатилган жиноят ишлари ҳам таҳлил қилиниб, бу борада айрим туманларда бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳамда бу иллатдан жабрланганларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилиши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш якунида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарор ишлаб чиқилди ҳамда бундан кейин ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

**Ботир ИРИСМЕТОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи**



## ЁШЛАР УЧУН МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Кеча пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Тошкент шаҳар прокуратураси ва шаҳар ҳокимияти ҳамкорлигида Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори, шунингдек Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги ва Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида икки кунлик «Ёшларни иш билан таъминлаш меҳнат ярмаркаси» ташкил этилди.

Ушбу меҳнат ярмаркасида пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларининг 12 минга яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этмоқда.

Бу албатта, пойтахтимиз ёшларининг ўзларига муносиб иш топишлари учун яхши имкониятдир.

Мазкур ярмарканинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, пойтахтимиз маҳаллаларидан 20 мингдан ортиқ вақтинча ишламаётган меҳнатга лаёқатли, ишлашни хоҳловчи фуқаролар ҳам жалб қилинди. Наврўзи олам нафаси кезиб турган бир пайтда, ярмарканинг байрамона кайфиятда ўтган биринчи кунида иштирок этган 12700 нафар фуқароларнинг 7451 нафари ишга йўлланма олишди.

Ярмарканинг иккинчи куни ҳам байрамона тарзда ўтиши режалаштирилган. Юқори савияда уюштирилган ушбу тадбирнинг барча ташкилотчилари ва ташкилий қўмитаси томонидан мурожаат қилган ҳар бир фуқарога тегишли маслаҳатлар бериб борилмоқда. Икки кун давом этадиган мазкур ярмаркани ташкил этишдан асосий мақсад давлатимиз томонидан белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш ва аҳоли, биринчи навбатда ёшларимизнинг бандлигини таъминлашдан иборат.

**Олим РАИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи**

# ГАЗ ЎҒРИЛАРИ

Турмушимизни электр энергиясисиз, табиий газсиз тасаввур қила олмаймиз. Ушбу энергия манбаларини иқтисодиётнинг қон томирларига ҳам қиёслашади. Катта-кичик корхоналар, хизмат кўрсатиш тармоқлари табиий газ ёки электр энергиясисиз тўхтаб қолади. Истеъмолчилардан йиғилади-



ган маблағлар уларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиш, узатиш тармоқларини янгилаб, таъмирлаб, мунтазам ишлаб туришини таъминлаш учун сарфланади. Афсуски, фуқаролар, тадбиркорлар ана шу оддий ҳақиқатнинг мағзини чақиб кўришмаяпти. Фойдаланган газ ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишмаяпти.

Шаҳар прокуратураси электр энергияси ва табиий газдан қарздорликни камайтиришга оид ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан шу йилнинг январь ойи охирида мутахассисларни жалб этиб ўтказилган тадбирда табиий газдан ўғринча фойдаланиш ҳолатлари аниқланди.

Тадбиркор Б.Мамаюсупов шаҳар ҳокимининг қарорига асосан январь ойида савдо дўконини ишга туширган. Лекин тегишли идоралардан рухсат олмасдан, ҳисоблагич ўрнатмасдан ўзбошимчалик билан табиий газ тармоғига уланиб олган. Ноқонуний равишда 422 минг сўмлик ёнилғини сарфлаган.

«Водийгазтаъминот» унитар корхонасининг шаҳар идораси ходимлари ўтган йил октябрь ойида табиий газ ҳақини тўламай қарздор бўлиб қолган савдо, умумий овқатланиш корхоналарини тармоқдан узиб қўйишган эди. Такроран бориб кўрилганида, бир нечта дўкон ва ошхоналарнинг эгалари қарзни тўламасдан ўғринча тармоққа уланиб олгани аён бўлди. Чунончи, тадбиркор Э.Юсупов ошхонасидаги ўчоққа берухсат мослама ўрнатиб, 122,4 минг сўмлик ёнилғини сарфлаган. Ошхонаси тармоқдан узиб қўйилган тадбиркор З.Сафаров эса 1 дона АГВ, 3 дона ўчоқ ва 1 дона газ мосламасини тармоққа улаб олиб, «Водийгазтаъминот» унитар корхонасига 206,7 минг сўмлик зарар етказган. Тадбиркор З.Тешабоева ҳам ошхонасидаги узиб қўйилган тармоққа ўғринча уланиб олиб, 150 минг сўмлик «зангори оловни» исроф қилган.

Шаҳардаги «Бинокор» МЧЖнинг иссиқхонаси ҳам бор. Ўтган йил охирида фойдаланилган газ ҳақини тўламагани учун иссиқхонага ёнилғи узатиш тўхтатиб қўйилган эди. Лекин МЧЖ раҳбарининг буйруғи билан иссиқхона ходимлари табиий газ тармоғига яна уланиб олишган. 631,7 минг сўмлик ёнилғидан ғайриқонуний фойдаланишган.

Энергия манбаидан берухсат, ўзбошимчалик билан фойдаланган, унинг ҳақини тўлашдан бўйин товлаган тадбиркорларга нисбатан МЖтКнинг тегишли моддалари бўйича иш қўзғатилиб, жиноят ишлари бўйича шаҳар судига юборилди.

Фойдаланилган энергия манбалари учун тўловдан бўйин товлаш, қарзни тўлашни пайсалга солиш уларни ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи корхоналаргагина эмас, жамиятга ҳам зарар келтиради. Корхоналарнинг табиий газни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш қувватларини тиклаш имкониятлари чекланади. Бу эса истеъмолда узилишларни келтириб чиқаради. Шунингдек, коммунал тўловлар пенсия, нафақа ва иш ҳақини нақд пул билан таъминлаш манбаларидан бири бўлганлиги учун тадбиркорлар, фуқаролар кўрсатилган хизмат ҳақларини вақтида тўлаб боришлари лозим.

**Қудрат ОЛИМОВ,**
**Қувасой шаҳар прокурорининг ўринбосари**

# ФАОЛИЯТ ҚОНУНИЙ БЎЛСИН

**Кейинги йилларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг республика ялпи ички маҳсулотидаги улуши тобора ортиб бормоқда. Тадбиркорларнинг ҳиммати билан кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш, сервис соҳасини ривожлантириш ҳамда минитехнологиялар асосида кичик ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этишда хусусий мулкдорларнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Бу албатта, мамлакатимизда хусусий бизнесни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиб берилгани натижасидир.**

Шоли курмаксиз бўлмас деганларидек, айрим юртдошларимиз ишбилармонлар учун яратилган имкониятлардан фойдаланиш ўрнига ноқонуний равишда сохта тадбиркорлик билан шуғулланишни афзал билишмоқда. Бошқармамиз томонидан йилнинг дастлабки икки ойи давомида олиб борилган тадбирлар натижасида 15 та ҳолатда яширин цехлар ташкил этилгани аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан 12 та жиноят ва 3 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 3 млн. 114,4 минг сўмлик маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинди.

Яширин цехларнинг аксариятида қўлбола усулда чигитдан инсон соғлиғи учун ўта зарарли бўлган пахта ёғи ишлаб чиқариб келинган.

Жумладан, бошқарма ходимлари томонидан Манғит шаҳри ҳудудида ўтказилган тадбир натижасида шаҳарнинг Гоухман кўчаси 11-уйида яшовчи М.Нурманов ўз уйида яширин цех ташкил этгани аниқланди. М.Нурманов ўзбошимчалик билан электр тармоғига уланиб, қўлбола мойжувозини ишлатиб келган. Яширин цеҳда ишлаб чиқарилаётган пахта ёғи сифатсиз бўлиб, истеъмол учун умуман яроқсиз ҳисобланади. Афсуски, сохта тадбиркорлик билан шуғулланаётган айрим шахслар ўз манфаатини ўйлаб, юртдошларининг соғлиғига таҳдид солишмоқда. Асосий истеъмол товарларидан бири бўлган пахта ёғи заводларда махсус технология асосида ишлаб чиқарилади. Ундан инсон соғлиғига зиён етказувчи моддалар махсус усуллар билан олиб ташланади. Заводдаги шароитни яширин цеҳда яратиб бўлмаслиги кундай равшан. М.Нурмановдан жами 586 минг сўмлик маҳсулот далилий ашё сифатида олинди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

**Рашид САДИҚОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари**

# СЕКИН ЮРГАН УЗОҚҚА БОРАДИ

Албатта, бу нақлни ҳар биримиз жуда кўп марта эшитганмиз. У инсон ҳаётда тўғри йўлни танлаб, қонуний иш юритса, фаолияти бардавом бўлишини англатади. Лекин афсуски, айни ҳақиқатни ҳамма ҳам тан олавермайди.

Бешариқ туманидаги «Салимжон Марасулов» номли МЧЖ муқобил машина-трактор парки раиси Эҳсон Азаматов ва бош ҳисобчиси Маъмуржон Ҳамидовлар биз назарда тутганлардан бўлиб чиқди. Гап шундаки, Бешариқ туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ММТПнинг 2006-2007 йиллар ва 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги молиявий фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ҳамда бюджетга ўз вақтида тўланиши юзасидан ҳужжатли тафтиш ўтказилади. Текширишда раис ва бош ҳисобчи ДСИга мол-мулк ва қўшилган қиймат солиғи ҳисоботларини тақдим этмаганлиги, топширган ҳисоботларида техника хизмати ҳамда сотилган маҳсулот ҳажмини камайтириб кўрсатганлиги, ишчиларга ҳисобланган 13 млн. 305,4 минг сўм солиқ даромад солиғини ўз вақтида тўламаганликлари аён бўлди. Бундан ташқари, улар Ўзбекистон Президентининг 1995 йил 12 майда қабул қилинган «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида тўланишида учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларига зид равишда 12 млн. 536,9 минг сўм муддати ўтган дебитор ва 8 млн. 969,6 сўм муддати ўтган кредитор қарздорликка ҳам йўл қўйишган. Натижада жамият ишчилари 7 млн. 145,5 сўмлик иш ҳақларини ўз вақтида ололмай, жиддий зиён кўришган. Бу ҳаракатлари билан ММТП мансабдорлари Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ва 207-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этишган.

Туманнинг Собиртепа қишлоғида яшовчи фуқаро Зиёвуддинхон Тиллахўжаевнинг қилмиши ҳам юқоридагидан қолишмайди. Департаментнинг Бешариқ туман бўлими ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қарори ижроси юзасидан текшириш ўтказганда, З.Тиллахўжаев фуқаро Б.Тошхўжаев бошқарувидаги «КамАЗ» русумли 15 U 9277 давлат белгили юк автомашинасида ҳеч қандай ҳужжатларсиз Эрон Ислом Республикасида ишлаб чиқарилган «Golnam» номли 11 минг 615 кг. соя ёғини олиб кетаётганлиги аниқланди. Унинг мақсади шунча маҳсулотни Бешариқ деҳқон бозорида 21 млн. 779,1 минг сўмга сотиб, мўмай даромад олиш экан. Бешариқ деҳқон бозори томонидан берилган маълумотнома ва 121-сонли хатлаш баҳолаш далолатномасига мувофиқ 11 минг 615 кг. соя ёғининг умумий қиймати 29 млн. 38 минг 750 сўмни ташкил қилади. Буни қарангки, З.Тиллахўжаев бундай савдо-сотиқ билан шуғулланиш учун тадбиркорлик субъекти сифатида тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтишни ҳам «унутган» экан. Пировардида, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, далилий ашё тариқасида олинган маҳсулот ва «КамАЗ» автомашинаси давлат фойдасига мусодара қилинди.

Баён этилган ана шу ҳолатлардан сўнг ўйлаймизки, «қаҳрамон»имиз ўзларига тўғри хулоса чиқаришади ва келгусида етти ўлчаб, бир кесиб иш юритишади.

**Нодиржон АШУРБОЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаментининг Бешариқ туман бўлими бошлиғи**

# «ТЕЛЕФОНИМНИ БЕРИНГ!»

Кейинги пайтларда қўл телефони билан боғлиқ можаролар кўплаб кузатилмоқда. Қуйидаги воқеа ҳам шу ҳақда.

Иномжон ҳамқишлоғи Элёрнинг уйига меҳмондорчиликка боргач, нон олиш учун у билан нонвойхонага чиқишганди. Бир маҳал орқаларидан келаётган уч йигитдан бири дабдурустдан «қиз қаерга кетди» деб улардан сўраб қолди. Йигитлар елка қисиб, ҳеч қанақа қизни кўрмаганликларини айтишди. Лекин йигит ўзини бу гапга ишонмагандек кўрсатиб, уларга эргашди. Уйгача кирди. Ўзича у ёқ, бу ёқни ахтаргандек бўлди. Сўнг Иномжондан қўл телефонини сўради ва аллакимга қўнғироқ қилгандек бўлди. Кейин: «Ҳеч ким кўтармаяпти», дея телефонни чўнтагига солиб қўйди. Иномжоннинг «телефонимни беринг», деган гапига, «шошмай тур, оласан-да», деди.

Бироздан кейин ўша йигит Иномжонни ўзи билан боришга ундаб, шериги билан таксига ўтиришди. Ноилож қолган Иномжон уларга эргашишга мажбур бўлди. Улар дастлаб шаҳарнинг Сартепо масканига боришди. Йигит Иномжонга бир уйни кўрсатиб: «Бориб доллар оласизми, деб сўра» деди. Иномжон Шерзоднинг айтганини қилди, аммо уй эгаси рад жавобини берди. Иккинчи йигитни шу ерда қолдириб, Иномжон билан Гагарин кўчасига келишди. Улар тақиллатган уйнинг эшигини ҳеч ким очмади. Бошқа такси тўхтатиб, Ёшлар марказига йўл олишди. У ердан Самарқанд шаҳридаги Али Қушчи кўчасига келишди. Шу ерда йигит Иномжонга: «Бир танишимни чақириб бер» дея, уйлардан бирини кўрсатиб юборди. Иномжон у айтган уй томон кетаётганда, йигит таксига ўтириб, жуфтакни ростлади.

Зўравон йигит ўзи билан олиб қочган қўл телефонини бир танишига 60 минг сўмга пуллаб юборди. Аммо бу билан ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолмади. Иномжон тегишли органларга мурожаат қилгач, зўравон қўлга олинди. У телефонни эгасига қайтариб берди. Бироқ, суд бир неча бор судланиб, ўзига тегишли хулоса чиқармаган зўравон йигит — Шерзод Хидировга нисбатан қилмишига яраша тегишли жазо тайинлади.

**Жаҳонгир БОЗОРОВ,**
**Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори**

# ЯНГИЛАНИШ ФАСЛИ

**Хонқа қадимдан уста деҳқонлар, тадбиркор-у ишбилармонлар юрти ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги соҳаси туман иқтисодининг етакчи тармоғидир. Шу кунларда далаларда иш қизғин. Экиш мавсуми бошланиш арафасида турибди. Фермерлар мўл ҳосил гарови бўлган шўр ювиш тадбирини якунлашяпти. Ҳозирги кунда туманимизда янги экиш мавсуми учун барча техника шай. Зарур миқдорда уруғлик чигит, минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш маҳсулотлари жамғариб қўйилди.**

Жорий йил ҳам элимиз учун тинч-осуда ва баракали бўлишига ишонган туманимиз аҳли йил бошидан қишлоқларимизни обод қилиш, фаровон турмуш тарзига эришиш йўлида меҳнат қилишмоқда. Айниқса, фермерлар фаолияти баракали кечмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хонқалик фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан чекланиб қолмасдан, давр талабига ҳамоҳанг равишда қўшимча тармоқларни ташкил этиш, уларни ривожлантириш чора-тадбирларини кўришмоқда. Фермер хўжаликларида паррандачилик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Уларни наслли жўжалар билан таъминлаш, зарур озуқа базасини яратишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Фермер — фаол ислоҳотчи, бунёдкор сифатида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб улгурди. Қишлоқларда кичик-кичик ишлаб чиқариш цехлари қурилаяпти. Савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчалари кўплаб ташкил этилаётгани боис қишлоқларда хизмат кўрсатиш савияси ҳамда маданияти тобора юксалмоқда.

Қишлоқ мулкдорларининг фаолияти самарали бўлиши кўп жиҳатдан тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи корхоналари билан боғлиқдир. Шуни ҳисобга олган ҳолда, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда қонунларнинг ижро этилиш аҳволи доимий назоратга олинган. «Хонқа пилла» корхонасида солиқ қонунчилигига риоя этилиши, бюджет мажбуриятларининг бажарилиши, амалга оширилган валюта, экспорт-импорт операцияларининг қонунийлиги юзасидан ўтказилган текширишда, жамият бартер операцияларини амалга ошириш бўйича шартнома тузмасдан, дебиторлик қарзни ундириш мақсадида сотилган пилла ҳисобидан «Садоқат инвест» МЧЖдан 25,2 млн. сўмлик, «Хива интизор» хусусий корхонасидан 13,9 млн. сўмлик ва «Урганч Бахмал» МЧЖдан 5,7 млн. сўмлик товар олганлиги аниқланди. Шунингдек, Республика Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан дастлабки терговолди суриштирув ишлари давомида «Хонқа Пилла» корхонаси масъул мансабдорлари 8 та пилла етиштирувчи фермер хўжаликларига «кредиторлик қарзлари ҳисобига 9,2 млн. сўмлик товар тарқатилган» деб сохта маълумотномалар билан ушбу маблағларни ўзлаштирганлари аниқланди. Жамият раҳбари ва бош ҳисобчиси солиқ идораси томонидан маъмурий жавобгарликка тортилганидан тегишли хулоса чиқармасдан, ўтган йилнинг дастлабки ярим йиллигида улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома олмасдан фермер хўжаликлари олдидаги кредиторлик қарздорликни узиш учун жами 20,4 млн. сўмлик улгуржи савдо фаолиятини амалга оширган. Мазкур ҳолат юзасидан жамият мутасаддиларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Қишлоқ мулкдорларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қабул қилинган давлат дастури ижросини таъминлаш тараққиёт кафолати бўлиб хизмат қилар экан, қонун устуворлигини таъминлаш фаолиятимиз мезони бўлиб қолаверади.

**Икром ПАЛВОНОВ,**
**Хонқа туман прокурори**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2009 йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорлик бўйича қонунга зид равишда қабул қилинган қарорларга нисбатан 36 та протест киритилди. Аниқланган қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш юзасидан ваколатли идораларга 15 та тақдимнома киритилди, 59 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди. 33 нафар шахс, интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Келтирилган 119,4 млн. сўмлик зарарнинг ихтиёрий ундирилиши таъминланди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилди.

ҳокимлиги вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер майдонлари миқдорини мувофиқлаштириш чора-тадбирларига оид таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши талабларини қўпол равишда бузишган. Фермер хўжалиги 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, таъминотчи корхоналардан фақат 1,4 млн.сўм қарзи бўлса-да, уни бир неча йиллар давомида давлатга пахта ва ғалла сотиш шартномаларини бажармаган ҳамда таъминотчи корхоналардан 8,1 млн.сўм қарздорлиги мавжуд бўлган «Фахриддин-Эъзоза» тор қарзларининг қайтарилиши таъминланди.

«Пахта банк» Мирзачўл туман бўлимининг мансабдор шахслари мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб тўлов топшириқномаларини қалбакилаштирган ҳолда «Уста Абдулла» фермер хўжалиги раҳбарининг рухсатисиз, унинг ҳисоб рақамидан «Кенесари» фермер хўжалиги ҳисоб рақамига 1,3 млн.сўм, «Пардабой ота» фермер хўжалиги ҳисоб рақамига 5,8 млн.сўм пул маблағларини ўтказиб юборишган. Натижада фермер хўжалиги манфаатларига жиддий зиён етказилган. Айбдорларга қонуний чоралар кўрилди. Шунингдек, хусусий тадбиркор Н.Эсомиддиновлидан 1,4 млн.сўм, хусусий тадбиркор Х.Джаманбаевага 1,4 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар олишига ёрдам берилди.

Фермер хўжаликларининг ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мулкий муносабатларига ноқонуний аралашувларнинг ҳар қандай кўринишларининг ҳам олди олинмоқда. 2008 йил давомида ўтказилган мониторинг ва текширишлар жараёнида жами 1964,3 гектар ер майдонидан ноқонуний, мақсадсиз ва ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Ноқонуний ажратилган ва фойдаланиб келинган 1674,6 гектар ер майдонининг давлат заҳирасига қайтарилиши таъминланди. Ғайриларнинг ўзларига қайтариб берилди.

Қонун ҳамма учун баробар, қонунни бузган шахс албатта, қилмиши учун жавоб беради. Текширишларда шу нарса ҳам аниқланмоқдаки, айрим фермер хўжаликлари ердан фақатгина шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Бундай ноқонуний ҳолатларнинг ҳам ўз вақтида пайи қирқилмоқда. Пахтакор туманидаги «Мусурмон ота» фермер хўжалиги раҳбари Т.Султонов томонидан 2008 йил ҳосили учун экилган 31 гектар пахта майдонининг 11 гектари қасддан бузилиб, шахсий манфаат кўриш мақсадида бир нечта фуқарога 4,3 млн.сўмга сотиб юборилган. Айбдор қонун олдида жавоб берди.

# ҚОНУНГА ТАЯНГАН ТАДБИРКОР

Дўстлик туман Давлат солиқ инспекцияси жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш бўлими собиқ инспектори М.Давиров 2007 йил октябрь ойидан 2008 йил февраль ойига қадар 4 нафар тадбиркордан солиқ тўловлари учун 283600 сўм олади. Аммо бу маблағни у банкка кирим қилмасдан ўз манфаати йўлида ишлатиб юборади. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорга нисбатан суднинг адолатли ҳукми эълон қилинди.

Жиззах туманидаги «Қалия Тубталобод» фермер хўжалиги раиси Ш.Норқўзиев ҳокимлик мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида прокуратурага ариза билан мурожаат қилди. Текширишда ҳақиқатан ҳам улар томонидан адолатсизликка йўл қўйилганлиги аниқланди. Туман фермер хўжалигига туман ҳокимининг 2008 йил 14 ноябрдаги қарори билан қўшиб юборадилар. Текшириш якуни бўйича ҳокимлик қарорига протест келтирилди ва олиб қўйилган 80 гектар ер майдони «Қалия Тубталобод» фермер хўжалигига қайтарилди.

Тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари учун банклардан кредит ажратиш, уларнинг банкдаги пул маблағларидан тўғри фойдаланиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Прокуратура органларининг аралашуви билан 2009 йилнинг ўтган икки ойи мобайнида тадбиркорлик субъектларига 6,7 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилиши таъминланди. Банкка топширилган 13 млн. сўмлик нақд пул маблағлари олиб берилди. Уларнинг 124 млн. сўмлик дебига банкдаги ўз ҳисоб рақамидан 4,2 млн. сўм, «LG XRUSTAL» хусусий фирмаси раҳбари З.Каримовга 1,8 млн. сўм, «Жиззах супервативн» хусусий фирмаси раҳбари Ж.Мўминовларга 4,2 млн. сўм нақд пул маблағлари олишларига ҳамда ўз фаолиятини кенгайтиришларига амалий ёрдам кўрсатилди.

Дўстлик туман прокуратураси томонидан «Достон Самандар» МЧЖга 2008 йилда етказиб берилган эҳтиёт қисмлар учун тўланмаган 26,5 млн.сўмлик маблағ, «Қорахон-Жўрахон» фермер хўжалигининг топширилган 114,2 минг сўмлик пахта хом ашёси маблағлари «Дўстлик пахта тозалаш корхонаси» ҳисобидан ундириб берилди. Худди шунингдек хусусий тадбиркор С.Шилиметовага «Микрокредитбанк» Мирзачўл туман филиаqонуний ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан 29 та протест келтирилди. 1301 сўмлик зарар ихтиёрий ундирилди. Аниқланган жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 23 та жиноят иши қўзғатилди.

Жиззах туманидаги «Соли Тўлқин» фермер хўжалиги раиси Р.Нортожиеванинг аризаси юзасидан ўтказилган текширишда туман ҳокимининг 2008 йил 13 ноябрдаги қарори билан фермер хўжалигига қарашли 25 гектар ер майдони ноқонуний равишда туман ҳокимлиги заҳира фондига ўтказилган. Прокурорнинг протестига асосан ҳоким қарори бекор қилинди, ер майдони фермер хўжалигига қайтарилди. Худди шунингдек «Алмат бобо» фермер хўжалигининг 22,7 гектар, Пахтакор туманидаги «Оташ Халифа» фермер хўжалигининг 31,7 гектар ер майдонлари ҳам фермер-Унинг балансидаги 49 гектар ер майдони тендер асосида бошқа фермер хўжаликларига сотилди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда кичик бизнес, тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолияти учун етарли даражада қонуний асослари яратилган. Уларнинг фаолиятига ноҳолис аралашувлар, «тирноқ орасидан кир қидириш» кайфиятида бўлиш ҳолатлари юзасидан назорат органларининг жавобгарлиги ва масъулияти кучайтирилмоқда. Тадбиркорлик ҳаракати билан боғлиқ қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ижросининг самарадорлигини таъминлаш бундан кейин ҳам доимий диққат марказимизда бўлиб қолади.

**Дилшоджон ҚУРБОНОВ,**
**Жиззах вилоят прокурорининг ўринбосари**

# ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИ

**Маълумки, юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан мамлакатимизда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда давлат идораларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувини қатъий чеклашга қаратилган, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга кафолатлар берувчи муҳим аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги, 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари шулар жумласидандир.**

Мазкур ҳужжатлардаги муҳим янгиликлардан бири – тадбиркорлик субъектларига фақат суд орқали қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқий таъсир чоралар доирасининг белгилаб берилганлигидир. Жумладан, фаолиятни тугатиш ва ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказишга доир ишларнинг барчаси, шунингдек белгиланган айрим истиснолардан ташқари, молиявий санкцияларни қўллаш, фаолиятни ва банклардаги ҳисоб варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш ҳақидаги ишлар фақат тегишли судлар томонидан ҳал қилинади.

Шу ўринда айрим рақамларга эътиборларингизни жалб қилмоқчиман. Хўжалик судларига тадбиркорларга нисбатан турли ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш тўғрисида 2008 йилда 458 та ариза берилган, шундан фақат 150 таси, яъни 32,7 фоизи қаноатлантирилган.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) ваколатининг фақат давлат солиқ қўмитаси органларига берилиши эса яна бир муҳим кафолат бўлди. Ўз навбатида, муқобил текширишларнинг фақат қўзғатилган жиноят ишлари бўйича ёки назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори асосида ўтказилишининг белгилаб қўйилганлиги ҳам эътиборга молик.

Муқобил текшириш ўтказувчи орган фақат тадбиркорнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро молиявий алоқасига дахлдор ҳолатларни ўрганиши мумкин, бу жараёнда тадбиркорлик субъектларига бориш ёки текширишга тааллуқли бўлмаган молия бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш таъқиқлаб қўйилди. Бундай тартиб аввалambор, ноқонуний текширишларни чеклаб, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Албатта, бу қоидаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши, биринчидан, текширишлар сонининг кескин камайишига олиб келса, иккинчидан, назорат органлари томонидан такрорий текширишлар ўтказилишининг олдини олади, энг асосийси, ортиқча асаббузарликларга чек қўйилиб, тадбиркорда самарали ишлаш ва изланиш учун кўпроқ вақт бўлади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизими ҳам такомиллаштирилди.

Ҳисоботларнинг чорак якуни бўйича топширилиши ҳақидаги қоиданинг мустаҳкамлаб қўйилиши тадбиркорга қулайлик яратиши билан бирга, назорат органларининг ҳам ҳисобот қабул қилиш ва уни юқори идораларга топширишга ўралашиб қолмасдан, қонун асосида юклатилган вазифаларни бажариши учун имкон беради.

Бундан ташқари, микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ, бюджетдан ташқари пенсия, йўл ва мактаб жамғармалари учун солиқ ва тўловлардан озод бўлди, энди улар битта ягона солиқ тўловини тўлайди. Шу билан бирга, янги ташкил топган бундай корхоналарнинг солиқ тўлаш муддати бир йилга кечиктириб қўйилди.

Лекин сир эмас, айрим назорат-текширув органлари ходимлари, оддий тил билан айтганда, баъзи «текширувчилар», шахсий манфаатларини кўзлаб, чўнтагига мўмай даромад топиш учун турли найранглар билан тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилишмоқда. Бундай «товламачи», «таъмагир» ва «бюрократ» шахсларга нисбатан прокуратура органлари томонидан қатъий чоралар кўрилмоқда.

2008 йил ва жорий йилнинг 2 ойида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари томонидан 92 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, 28 нафар шахс маъмурий, интизомий жавобгарликка тортилди ҳамда 2 та жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, 2009 йил 21 январь куни Кегейли туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Параҳат Исаков ва ўринбосари Муратбай Бердиниязов олдиндан жиноий тил бириктириб, тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган Г.Ембергеновадан қатъий белгиланган солиқларни ундирмаслик эвазига 1 млн. сўм беришни талаб қилган ҳамда Кегейли туман ДСИнинг жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи Б.Палуаниязов орқали Г.Ембергеновадан 1 млн. сўм миқдоридаги пулларни олган вақтида қўлга олинган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Энг ачинарлиси шундаки, баъзи бир мансабдор шахслар қандай йўл билан бўлмасин, тадбиркорларни алдаш, уларни қўрқитиш, таъмагирлик қилиш ва бошқа усуллар билан пул ундириш мақсадида, уларнинг ишига аралашишга имкон қидиришмоқда. Жумладан, айрим банк ходимларининг кредитлар берилишидаги ноқонуний ҳаракатларини нима билан изоҳлаш мумкин?

Мисол учун, 2008 йил 7 январь куни «Халқабод мамиги» акциядорлик жамияти томонидан Чимбой туманидаги «Айтжан Ниетуллаев» ва «Сапарниязова Айжамал» фермер хўжаликларининг Миллий банкнинг Чимбой туман филиалидаги ҳисоб варақасига пахта хом ашёси учун транш пуллари (жами 800.000 сўм) ўтказилган. Миллий банкнинг Чимбой туман филиали «Бахитли» мини банки бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Ғ.Атамуратов мансабидан фойдаланиб, транш пулларини уларнинг рухсатисиз, тўлов топшириқномасисиз бошқа бир «Жалпак чек» фермер хўжалигининг олган кредитларини ёпиш учун ўтказиб, ўзганинг мулкларини талон-торож қилган. Ушбу ҳолат юзасидан Чимбой туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилган.

Шу каби Нукус шаҳри архитектура ва шаҳар қурилиши бош бошқармасининг архитектура режалаштириш бюросининг мутахассиси Ботир Дауимов ўз мансабидан фойдаланиб, таъмагирлик йўли билан ўзганинг мулкини қўлига киритишдан ор қилмади. Архитектура бўлимига чойхона қурилиши учун ер майдони сўраб келган А.Матқурбановга бўлим мутахассиси Б.Дауимов «Сизга ер майдон ажратиб беришимиз учун менга 2 млн. сўм пул беришингиз керак», дея таъмагирлик қилган.

2009 йил 6 февраль куни Б.Дауимов ўзига тегишли бўлган «ВАЗ – 2106» автомашинасида фуқаро А.Матқурбановдан 1 млн. сўм пора олган вақтида қўлга олинди. Бу ҳолат юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, эндиликда тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувлар ва уларга нисбатан бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар учун тегишли қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра жавобгарлик кучайтирилганини ҳар доим ёдда тутиш лозим.

Умид қиламизки, бу янгиликлар айрим нопок мансабдор шахсларни бирор-бир ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир қилишдан олдин яна бир бор бунинг оқибатлари хусусида ўйлаб кўришга ва тўғри хулоса чиқаришга даъват этади.

**Бахтияр ПИРНАЗАРОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори**

# КАФОЛАТЛАНГАН ҲУҚУҚ

**Республикамизда барча мулк шаклларининг эркин ва тенг ривожланиши ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза қилиниши Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.**

**Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан махрум этилиши мумкин» (53-модда).**

Бизга яхши маълумки, бозор муносабатларига асосланган фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосини «хусусий мулк дахлсиздир» деган принцип ташкил этади. Бугунги асосий вазифа — халқнинг турмуш даражасини кўтариш, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий асоратларини бартараф этишдан иборат. Турган гапки, бу жараёнда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатли ҳимояланиши муҳим ўрин тутади.

Хусусий мулкнинг шаклланиши ва ривожланишига берилган иқтисодий-ҳуқуқий шароит мулкдорни мулк билан чамбарчас боғлади. Иқтисодий тараққиёт ва соғлом рақобатнинг ўсишига имкон берди. Ана шундай сиёсат натижасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари ташкил этиш борасида қатор ютуқларга эришилди. Лекин шунинг билан бирга, айрим нопок шахсларнинг ўз манфаати йўлида турли қинғирликларни ўйлаб топиши каби иллатлар ҳам авж олди. Уларнинг тадбиркорлик субъектларига етказаётган зарарини жамият манфаатларига қаратилган зарар деб баҳолаш мумкин.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ҳимоясини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатлари амалиётга татбиқ этилмоқда. Айниқса, Юртбошимизнинг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг янада кафолатли муҳофаза этилишига асос бўлди. Уларда назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб хусусий сектор субъектларига нисбатан ҳуқуқий чораларни фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилиши қатъий белгилаб қўйилган. Ваҳоланки, ушбу фармонга қадар бундай ваколат туман ҳокимлаларидан тортиб барча назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга бериб қўйилган эди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Эндиликда назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширув ўтказганлиги учун шахсан жавобгар бўладилар.

Мазкур ҳужжат жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик, энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларига сўзсиз риоя этиш мақсадини кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтириш, назорат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муқаррарлигини, ҳатто уларнинг жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонунлар ижроси устидан прокурорлик назоратини тўғри ташкил қилишнинг муҳим омилларидан бири, тегишли органлардан ушбу соҳадаги қонунийлик аҳволи ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиб, уларни синчковлик билан таҳлил қилишдир.

Бугунги тадбиркорнинг жамиятимиз ривожига қўшаётган улушини таърифлаш осон эмас. Шу боис, тадбиркорни муносиб ҳимоя қилиш, унинг эркин фаолияти учун шароит яратиб бериш прокуратура органлари эътиборидаги вазифалар сирасига киради.

**Мирзоҳид ОБИДОВ,**
**Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари**




# МАРКАЗГА МАРҲАМАТ

Илгари муайян сармояга эга фуқаролар хусусий фирма ёки корхона очиш учун турли идораларнинг қабулхоналарида ҳафталаб, ойлаб вақтларини беҳуда ўтказишарди. Идорама-идора ҳужжат йиғиб, сарсонсаргардон бўлишарди. Бундай ҳол ўзимнинг ҳам бошимдан ўтган. Вилоят босмахонаси қошида «Карвон» номли газета таҳририятининг таъсис шартномаси, Низомини тайёрлаб, шаҳар ҳокимлиги, статистика бошқармаси, солиқ инспекцияси, шаҳар ИИБ (муҳр ва штамп тайёрлашга рухсат олиш учун) ва бошқа идораларга бир ойдан зиёд қатнашга тўғри келган эди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонун ва қонуности ҳужжатлари, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишни такомиллаштириш тўғрисидаги Президент қарорлари бундай оворагарчиликларни бартараф этди, ортиқча расмиятчиликларга чек қўйди. Ушбу қонун ва қарорлар асосида Фарғона вилоят прокуратураси яна бир хайрли ишга қўл урди. Прокуратура ташаббуси билан Фарғона шаҳрида «Тадбиркорлар Маркази» фаолият кўрсата бошлади.

Марказда тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтиб, иш бошлашлари, мавжуд фирма ва корхоналар эса фаолиятларини кенгайтириш, янги йўналишларда ишни йўлга қўйишлари учун зарур маслаҳат, йўл-йўриқ берувчи, шунингдек кредит ажратиб беришга бевосита алоқадор идораларнинг вакиллари жамланди. Янги иш бошлаётган, фаолият юритаётган тадбиркорларга барча қулайликлар ҳавола этилди. Марказда шаҳар статистика бўлими, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш инспекцияси, «Консалтинг информ сервис» ахборот ва хизматлар маркази, шаҳар солиқ инспекцияси ҳамда «Микрокредитбанк» филиалининг ходимлари тадбиркорларга малакали хизмат кўрсатишмоқда.

— Хусусий фирма ташкил қилиш ниятидаман, — деди Шавкатжон Жўраев. — Бунинг учун зарур ҳужжатлар, рўйхатдан ўтиш тартиби хусусида маслаҳатлар олдим. Ҳужжатларни олиб келсам, шу ернинг ўзида бир кундаёқ фирмани рўйхатдан ўтказиб, банкда ҳисоб рақамимни очсам бўларкан.

Янги иш бошлашга рухсатнома, гувоҳнома берувчи, муҳр ва штамп тайёрловчи шаҳарнинг турли жойларида жойлашган идораларнинг вакиллари Тадбиркорлар Марказида жамулжам бўлиб хизмат кўрсатаётганлари ҳар томонлама қўл келмоқда.

— Шаҳарда тураман, — деди Мавсумжон Ғиёсиддинов. — Савдо-ишлаб чиқариш корхонасини очмоқчиман. Аризани ёзиб бердим. Шу ернинг ўзида статистика бўлими, юридик шахсларни давлат рўйхатига олиш инспекцияси ходимлари ҳужжатларни расмийлаштиришди. «Консалтинг информ сервис» маркази ходими Низом ва Таъсис ҳужжатларимни икки соатдаёқ тайёрлаб берди. Муҳр ва штампларни тайёрлашда, гувоҳнома олишда, ҳисоб рақами очишда ҳам муаммо йўқ экан.

Шунингдек, марказга ташриф буюрган тадбиркорлар ишни кенгайтириш, қўшма корхона ташкил этиш, кредитлар олиш, ишлаб чиқаришнинг энг мақбул йўналишлари, истеъмол буюмларига эҳтиёж, талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш учун зарур энг замонавий ўзимизда ҳамда хорижда тайёрланган дастгоҳ ва ускуналарни қаердан ва қандай харид қилиш хусусида ахборот ва маслаҳатлар олишмоқда.

— Прокуратура ташаббуси билан ташкил этилган Марказимизда фуқаролар ортиқча оворагарчиликларсиз тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишяпти, — деди шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси сектори бошлиғи Абдухолиқ Адерматов. — Тўғридан тўғри, шу ернинг ўзида шаҳар статистика бўлими ходими тегишли рақамларни, кодларни беряпти. Рухсатнома билан бирга юридик шахс мақомига эга бўлгани тўғрисида гувоҳнома топширяпмиз.

Марказдаги Ахборот олиш тармоғида тадбиркорлар хорижий инвестицияларни жалб этиш шартлари, солиқлар борасидаги имтиёзлар хусусида зарур ахборотлар билан таъминланмоқда. Телефон орқали йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериш ҳам йўлга қўйилди. 224-12-55 рақамига қўнғироқ қилиб, ўзингизни қизиқтирган барча саволларга жавоблар олишингиз мумкин.

Ушбу ташаббус кенг қулоч ёзиб, бошқа ҳудудларда ҳам фаолият кўрсата бошласа, фойдадан холи бўлмайди деб ўйлаймиз.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**

**Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ушбу тизимни жаҳон андозаларига мос равишда шакллантириш юртимизда давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда ва бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа ривожига халақит бераётган тўсиқларни олиб ташлаш, энг асосийси, тадбиркорлар фаолиятига беҳуда аралашишларга чек қўйишга қаратилганлиги билан жуда аҳамиятлидир.**

# ТАЪМАГИРЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

Бугунги кунда Қўрғонтепа туман прокуратураси томонидан тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш, тадбиркорлик йўлидаги сунъий ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик фаолиятига аралашиш ҳолатига чек қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Фуқаро Қодир Султонов Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти бошқармаси қошидаги Ахборот маслаҳат маркази унитар корхонасининг Қўрғонтепа туман Ахборот маслаҳат маркази директори вазифасида ишлаб келган. У ун маҳсулотлари олувчи тадбиркорлик субъектларидан уларни тақсимот рўйхатига қўшиш ҳамда ёпиқ биржа савдоларида арзонлаштирилган нархларда ун сотиб олиши эвазига пора олиб келган. Жумладан, Қ.Султонов 2008 йил 10 сентябрь куни Қўрғонтепа туман «Зуҳро Юлдузи Жамоли» номли нон ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган хусусий корхона раҳбари Тўхтасин Ирисматовдан корхонасини 2008 йилнинг сентябрь ойида тақсимот орқали ун маҳсулотлари олувчи тадбиркорлар рўйхатига қўшиш ҳамда ёпиқ биржа савдоларида арзонлаштирилган нархларда ун сотиб олиш эвазига ундан 150 минг сўмни хизмат хонасида пора сифатида олаётган пайтда ушланган.

Дастлабки тергов жараёнида Қ.Султонов «Зуҳро Юлдузи Жамоли» хусусий корхона раҳбари Т.Ирисматов ва тадбиркор Ҳ.Жўраевларнинг ҳар биридан 13 тонна ун маҳсулоти учун 1 млн. 300 минг сўм, тадбиркорлар А.Зулунов ва С.Абдуқодировлардан эса жами 1 млн. 750 минг сўм миқдорда пул маблағларини таъмагирлик йўли билан олиб келганлиги аниқланди.

Қ.Султонов ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми «б» банди билан айбли деб топилиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ўтказилаётган текширишларда туман ҳокимлиги, туман Давлат солиқ инспекцияси, статистика бўлими, савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа назорат идоралари томонидан ҳам тадбиркорлик субъектларининг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол қилиб келинаётгани маълум бўлди.

Жумладан, туман Давлат санитария эпидемиология назорати марказининг санитария шифокори ёрдамчиси Хонзода Сотволдиева 2009 йил 22 январь куни тумандаги «Олимпия» ХФга қарашли «Бинафша» ошхонасида ҳеч қандай асоссиз текшириш ўтказган. Ошхона ходимлари тиббий кўрикдан ўтмаганлиги, махсус кийим бош билан тўлиқ таъминланмаганлиги, тозалов ишлари сифатли ўтказилмаганлиги ва дезинфекция станцияси билан зарарсизлантириш бўйича шартномалар тузилмаганлиги учун раҳбар Бахтиёр Аҳмедов қонунга хилоф равишда маъмурий жавобгарликка тортилган.

Мазкур ғайриқонуний маъмурий қарорни бекор қилиш юзасидан протест киритилди ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириш тартибини бузганлиги учун Х.Сотволдиевага нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Туман прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги текшириш ҳамда тарғибот ишлари давом эттирилмоқда. Жиноятга қўл урган, таъмагирлик йўлига ўтган ҳеч бир киши жавобгарликдан қутулиб қолмайди.

**У.ЖЎРАЕВ,**
**Қўрғонтепа туман прокурори**

# Толани талаган талончилар

## ёхуд «Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси» МЧЖдаги кўзбўямачиликлар

Ҳар бир мамлакатда шундай экинлар борки, улар ўша давлатнинг миллий рамзига айланган. Гап шу ҳақда борар экан, дарров кўз олдимизга оппоқ пахталар келиши табиий ҳол. Чунки, оқ олтинга қиёсланувчи пахта ҳосили моддий бойлигимизнинг энг асосий таянчи ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида пахтачиликнинг муҳим ўрин тутишини яхши биламиз. Пахтанинг нафақат моддий, балки миллий бойлик сифатида эътироф этилиши ҳам шундан. Ҳар йили йиғим-теримга жиддий эътибор ва масъулият билан киришилиши замирида ҳам халқимизнинг усти бут, рўзғори тўкис бўлиши, умуман фаровонлик ётади.

Албатта, беш қўл баробар бўлмаганидек, инсонлар ҳам бир хил феълатворда эмас. Биров пок ва ҳалоллик билан умргузаронлик қилса, биров ҳаромдан ҳазар қилишни хаёлига келтирмайди. Биров нафсга шоҳ бўлиб яшаса, биров унинг қулига айланиб қоларкан. Қўлимиздаги ҳужжатларга назар ташлар эканмиз, беихтиёр шу хулосага келдик.

Қуйида баён этилажак жиноий иш қатнашчилари юқорида келтирилган оқилона ўгитларни умуман қулоқларига олмаганлиги билиниб қолди. Йўқ, улар дала ёки хирмондан пахта ўғирлашмади, «оқ олтин»ни қайта ишловчи корхона деворидан ошиб ўтишмади ҳам. Ўндан зиёд кимсани бирлаштирган ушбу жиноий гуруҳнинг қилмишлари жуда ўзгача, антиқа бир тарзда амалга оширилган. Яъни...

### БАДНИЯТЛИ «БЎРИ»ЛАР

Қорақалпоғистон Республикасидаги «Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси» масъулияти чекланган жамиятига 2002 йил августида ташқи бошқарувчи этиб тайинланган Рустам Юсуповни бемалол чўпон қиёфасидаги бўрига қиёслаш мумкин. Негаки, у санацияга тушган корхона раҳбарлиги ўзига ишониб топширилганидан қинғир ниятлари йўлида фойдаланди. Санация доирасига кирган «Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси» МЧЖни иқтисодий таназзулдан олиб чиқиш зарурлиги Р.Юсуповнинг хаёлига ҳам келмади. Акс ҳолда, шундоқ ҳам муаммолар гирдобидаги корхонани жиноий ишларга аралаштирармиди?!

Бир сўз билан айтганда, «Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2002 йил 2 августдаги қарорига асосан ташқи бошқарув усулига ўтказилганидан кўпчилик хабар топди. Жумладан, Тошкент шаҳридаги «Чори инвест» МЧЖ таъсисчиси Олим Каримов, шу жамият директорининг ўринбосари Зафар Бобохонов ҳам. Икковлон дарҳол қулай «фурсат» ва «имконият»дан фойдаланиб қолиш мақсадида ўзаро жиноий тил бириктиришди. Бир тўхтамга келишгач, «Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси» МЧЖ акциядори Ҳусан Нурматовга ўз мақсадларини тушунтиришиб, баднияталарига шерикликка ундашади. Шу тариқа, 2004 йилнинг апрелида мазкур корхонага тегишли 25 фоиз, яъни 7344 дона, жами 9 млн. 547,2 минг сўмлик акцияни Зафар Бобохонов номига ҳадя тариқасида расмийлаштиришга эришишади. Кейинги ойда эса МЧЖ раҳбари Рустам Юсупов билан келишган ҳолда жамият ишчи-ходимлари ўртасида йиғилиш ўтказишди. Ушбу тадбирда З.Бобохонов акциядор, О.Каримов эса инвестор дея таништирилди. Шу куни жамият ходимларига ишни ривожлантириш, моддий манфаатдорликни ошириш тўғрисида «қоп-қоп» ваъдалар берилди. Аммо, аслида гап фақат ўзаро тил бириктирган «бўри»ларнинг шахсий манфаатлари ҳақида кетаётганини йиғилиш қатнашчилари билишмасди ҳам. Ҳолбуки, Р.Юсупов, О.Каримов ва З.Бобохонов аввалроқ «мажлис» ўтказишиб, уччовлон жамият орқали сохта ҳужжатларни расмийлаштириш ва шу йўл билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкларини ўзлаштириш бўйича жиноий режа тузиб, чизмасини ҳам чизиб бўлишганди.

Ўз навбатида, ана шу қабиҳ режани амалга оширишдан аввал «вазифа»лар ҳам тақсимлаб олинди. Бунда О.Каримов ва З.Бобохонов жиноий ҳаракатлар пайтида зарур бўладиган маблағ билан таъминлашга сўз беришди. «Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси» МЧЖ директор ўринбосари Алим Аҳмедов, бош ҳисобчи Олимбой Жуманиязов, таъминотчи Эркинбой Юлдошев, ҳисобчи Ҳамза Собирова жиноят изларини яшириш учун жамият номидан кирим ва чиқим ҳужжатларини расмийлаштириш «хизмати»ни юклашди. Жамият директорининг молиявий ишлар бўйича ўринбосари Каримжон Қозақов дебитор қарздорликни қалбаки ҳужжатлар тузиш йўли билан қоплайдиган бўлди. Жиноий гуруҳнинг яна икки аъзоси – Ҳусан Сайдаҳмедов ва Акмал Шагиязов эса олинган маҳсулотларни қандай йўл билан бўлмасин сотиб, нақд пул қилишга «бел боғлашди».

### САВДОДАГИ СИНОАТЛАР

Уюшган гуруҳ ташкилотчилари дастлаб Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси томонидан ўтказилган «Ким ошди» савдоларида иштирок этишди. Ўша ерда пахта толасини сотиб олишди ҳам. Яъни, 2004 йилнинг май ва июнь ойларидаги савдоларнинг натижаларига кўра, «Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси». МЧЖ ихтиёрига пахта толаларини келтириш учун шартномалар имзоланди.



Аммо, 2004 йилнинг 8-28 июли оралиғида олинган хом-ашёнинг бир мисқоли ҳам белгиланган манзилга етиб келмагани ажабланарли ҳол эди. Кейинроқ маълум бўлишича, уларнинг барчаси бутунлай бошқа тарафларга қараб кетганди. Жумладан, «Жиззахпахтасаноат» бирлашмасидан 312.345,1 килограмм, жами 294 млн. 768,6 минг сўмлик пахта толаси «Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси» МЧЖга юборилиши керак эди. Бироқ, мазкур маҳсулотнинг бари Бухородаги «Олоттекс» қўшма корхонасига келтирилган. Шунингдек, «Наманганпахтасаноат» бирлашмасининг 399.386 килограмм, жами 384 млн. 685 минг 693 сўмлик маҳсулоти «Аснам текстил» қўшма корхонасига, «Сирдарёпахтасаноат»дан олинган 294.137,4 килограмм, жами 272 млн. 237 минг 825 сўмлик пахта толаси Хоразм вилоятидаги «Унихо» қўшма корхонасига, «Фарғонапахтасаноат» бирлашмасининг 797.626,6 килограмм, жами 705 млн. 223 минг 282 сўмлик маҳсулоти Фарғонадаги «Бестекс» қўшма корхонаси ва «Марғилон Осиё текс» акциядорлик жамиятига юборилган. Ваҳоланки, юқоридаги маҳсулотларнинг барчаси «Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси» МЧЖга сохта ҳужжатлар асосида кирим қилинганди.

Кейинроқ бу ғайритабиий кўринган савдодаги бу синоатларнинг бир қирраси жиноий гуруҳ аъзоларининг қуйидаги қилмишида ойдинлашди: «Чори-инвест» МЧЖнинг ҳисоб рақамидан 95 млн. сўмни «Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси» МЧЖ ҳисоб рақамига туширишди. Мақсад «бўз маҳсулотлари олиш учун» эмиш. Ахир, бу корхонада бўз матосининг ўзи йўқ-ку! Аслида қонунни унутган мутасаддиларнинг нияти пахта толасини «айланма йўллар» орқали сотиб олиш эди.

### «ТЕНТИРАГАН» ТОВАРЛАР

Дарвоқе, қинғир йўллар орқали сотиб олинган пахта калава ипга айлангач ҳам «Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси» МЧЖга келтирилгани йўқ. Ҳолбуки, «Олеттекс»да тайёрланган 145.816 килограмм, «Аснамтекстил» маҳсулоти бўлган 201.594,72 килограмм, «Унихо» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган 58.595,14 килограмм, «Бестекс»дан олинган 508.548,13 килограмм калава ип ва «Марғилон Осиётекс»да тайёрланган 30.917,65 килограмм калава ип ва 392.368 п.м. бўз матоси «Манғит ип йигирув-тўқув фабрикаси» МЧЖ ҳисобига сохта ҳужжатлар орқали кирим қилинганди. Аммо, жойини тополмай «тентираган» бу товарлар жиноий гуруҳ аъзолари томонидан номаълум шахсларга нақд пулга сотиб юборилган.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

Жиноий гуруҳ аъзолари расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар киритиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш орқали ўзганинг бир миллиард сўмдан зиёд мулкларини ўзлаштиришган, талон-торож этишган.

Бундан ташқари, корхона иқтисодий жиҳатдан тўловга қодир эмаслигини ва иқтисодий ночорлигини бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан қасддан яширишгани ҳам аниқланди. Жиноий гуруҳнинг бу хатти-ҳаракатидан кредиторлар кўп миқдорда зарар кўришган. Эл-юртимиз бойлиги ҳисобланмиш пахта толасига кўз олайтирган жиноятчилар гуруҳи давлат ва жамоат манфаатларига 1 млрд. 505 млн. 648 минг 842 сўмлик катта миқдорда зарар етказишди. Дастлабки тергов даврида айбдор шахслардан моддий зарар тўлиқ ундирилди. Суд ҳукмига кўра, 20 нафар шахсга нисбатан қонун доирасида жазо тайинланди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: ушбу мақола тўғрилик ва эгрилик ўртасида иккиланиб турган айрим шахсларни оқилона хулоса чиқаришга ундайди, деган умиддамиз. Айниқса, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дея эълон қилинган жорий йил қишлоқ хўжалик соҳаси ходимларининг меҳнатини қадрлаш, улар етиштирган маҳсулотлардан ҳалоллик билан фойдаланиш, талон-торож этмаслик борасида ҳам янги бир босқич ажралишини барча баробар ҳис қилмоғи шарт.

**Ҳусниддин МАДАМИНОВ,**
**Наманган вилоят прокуратурасининг АМИБ катта терговчиси**

# Виждонига қарши борган судья

Баъзида «ҳамманинг ҳам кўнглида шайтон бор. Туппа-тузук одам бўлса ҳам барибир бир кун келиб ишкали чиқади» деган гапларни эшитиб қоламиз. Аслида ҳам шундайми? Билмадик, балки юқоридаги гапда қайсидир маънода жон бордир. Аммо, мантиқан ўйлаб қараганимизда қилаётган хатти-ҳаракатимиз, бажараётган ишларимизнинг сабабчиси асли ўзимиз.

Мавлуда Элмуратова ҳам била туриб ўз бошига кутилмаган савдоларни сотиб олди. Тўғри, у дастлаб ишларининг бу қадар чаппасидан кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Агар у бу ҳақда олдинроқ ўйлаганида балки бугун суднинг қора курсисида ўтирмаган, қилмишлари учун жавоб бермаган бўлармиди?!

* * *

Ю.Мардиева ўғлининг кўчадан калтак еб келганига чидай олмади. «Нега уришади? Қандай қилиб шунчаликка бориш мумкин» ўйлади у. Дарвоқе, Ю.Мардиеванинг ўғли олган тан жароҳатлари туфайли касалхонада салкам 23 кун даволанди. Аммо, зўравонлар бу ҳақда ўйлашмади ҳам. Онаизор бундан қаттиқ ранжиб, фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судига ариза билан мурожаат этди. Аризада у ўғлининг соғлиғини тиклаш учун кетган моддий ва маънавий зарарни ундириб беришларини сўраган эди.

Ю.Мардиеванинг аризаси юзасидан иш олиб бориш М.Элмуратовага тушди.

— Ишни сизнинг фойдангизга ҳал қилиб бераман. Фақат озгина харажати бор. 100 минг сўм берсангиз бўлди.

Ю.Мардиева бироз ўйланиб турди-да, М.Элмуратованинг таклифига рози бўлди. Орадан бироз фурсат ўтмаёқ, унинг истагини бажо келтирди.

Шундан сўнг М.Элмуратова ҳам ваъдасида турди. Аёлнинг фойдасига ўғлига етказилган 205 минг 698 сўм моддий ва 200 минг сўм маънавий зарарни ундириш ҳақида қарор чиқарилди. Ишининг бу қадар тез ва осон битганидан Ю.Мардиеванинг қувончи чексиз эди. Афсуски...

Қарор чиқишга чиқди-ю, лекин унинг ижроси амалга ошмади. Ю.Мардиева яна М.Элмуратованинг олдига борди:

— Чиқарган қарорингиз ижро қилинмади. Мен энди нима қилишим керак? Ахир куйиб қолмай деяпман-да.

— Куйиб қолмайсиз. Бошқа йўллари ҳам бор. Сиз айтилган ҳужжатларни тўғрилаб келинг.

Ю.Мардиева хўп деди-да, дарҳол ҳужжатларни тахлади. Кейин эса уни зудлик билан ўғли Х.Мардиевдан судьяга бериб юборди. Афсуски, М.Элмуратова ҳужжатларни олиб қолмади.

— Камчилиги борми? — сўради Х.Мардиев.

— Яна озроқ харажати чиқиб қолди. 160 минг сўм пул олиб келинглар.

Бўлиб ўтган воқеадан хабар топган Ю.Мардиеванинг жаҳли чиқди. Минг бир хаёл билан М.Элмуратованинг уйига келди. Аммо судья Ю.Мардиевани яна авраб, жаҳлидан туширди.

— Сизнинг фойдангизни деб югуриб юрсам-у, сиз бўлсангиз...

— 100 минг сўм пулим бор. Ортиқчи беролмайман.

— Бу нима деганингиз? Ишингиз тез битишини истамаяпсиз, шекилли. Майли, 150 минг сўм олиб келсангиз етади.

— Майли. Унда озгина кутасиз. Уйдаги қорамолни сотиб, пулларни олиб келаман.

— Жуда яхши...

Судья аёл билан хайрлашди.

Келишилган кун ҳам етиб келди. Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг олдида улар кўришишгач, Ю.Мардиева мақсадга ўтди:

— Айтганингизни олиб келдим. Ҳужжатлар ҳам, ариза ҳам, пул ҳам шу ерда.

— Яхши, ижрони умумий мулкка қаратиш ҳақида қарор чиқариб берамиз, — деди М.Элмуратова бепарволик билан.

Иккови ўзаро суҳбатлашиб йўлнинг нариги томонига ўтишди.

— Пулни беринг.

— Ҳозир, ҳозир.

Аёл сумкасидаги пулни олиб, М.Элмуратовага берди.

Бироқ ўша пуллар судьяга насиб қилмади. Вилоят прокуратураси ва МХХ ходимлари томонидан унинг жинояти фош этилди.

М.Элмуратова виждонига қарши боргани, кимларнингдир дилини оғритгани учун суднинг қора курсисидан жой олди. У қилмишига яраша жазоланди. Шунингдек, 3 йил муддатга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, адлия ва суд идораларида мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди.

**Сирожиддин ЭШҚУВВАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тингловчиси**

# ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари бошлиғи Толибжон Умаров Наньянг Давлат Технология университети таклифига биноан Сингапурда ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этиб қайтди. Мухбиримиз сафар таассуротлари, халқаро анжуманда кўрилган масалалар хусусида бир неча савол билан Т.УМАРОВга мурожаат қилди.***

**— Толибжон Абдуазизович, Олий ўқув курслари билан хориждаги олий ўқув юртлари ўртасидаги халқаро ҳамкорлик ришталарининг мустаҳкамланиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Яқинда Сингапурда ўтказилган халқаро конференциядаги иштирокингиз ҳам бунга бир мисол бўлиши мумкин. Мазкур анжумандан кўзланган мақсад, унинг ташкилотчилари ва иштирокчилари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Аввало, конференция ташкилотчиси — Наньянг Давлат Технология университетининг С.Раҳаратҳам номидаги Халқаро тадқиқотлар мактаби ҳақида тўхталсам. Ахборот-коммуникация, замонавий коммуникация воситаларини татбиқ этиш борасида улкан ютуқларни қўлга киритиб келаётган мазкур университет доирасида турли соҳалар бўйича илмий-тадқиқот марказлари шаклланиб келмоқда. Ана шу марказлар илмий-амалий тадқиқотлар, мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш, халқаро ҳуқуқий масалаларда тавсиялар ишлаб чиқиш борасида муносиб ўрин тутиб келмоқда. Университетнинг Халқаро тадқиқотлар мактаби нуфузини унда фаолият кўрсатаётган экспертларнинг тавсиялари нафақат Жануби-шарқий Осиё давлатлари, жаҳоннинг АҚШ, Буюк Британия, Саудия Арабистони каби етакчи давлатларида ҳам ўрганилиб, амалиётда самарали қўлланиб келинаётганидан ҳам билиш мумкин.

24-26 февраль кунлари бўлиб ўтган мазкур конференцияда Сингапур Республикаси ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, кўзга кўринган олимлар, жамоат арбоблари, шунингдек АҚШ, Буюк Британия, Яман, Саудия Арабистони, Испания, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Миср, Малайзия, Индонезия, Таиланд, Филиппин, Австралия ва Шри-Ланка каби давлатлардан келган 200 дан зиёд вакиллар иштирок этди.

Конференцияни Сингапур Адлия вазири К.Шанмугам очиб берди. Танаффус пайтида вазир билан бўлган суҳбатда у бизнинг конференциядаги иштирокимиз учун миннатдорчилик билдириб, бундай анжуманлар турли мамлакатларнинг терроризмга қарши кураш тажрибасини яқиндан ўрганишга имкон беришини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, терроризм ва унга қарши кураш муаммолари бугун дунёнинг барча тараққийпарвар давлатлари олдида турган долзарб муаммолардан бирига айланиб улгурган. Биз фикрлашаётган халқаро конференциянинг ўтказилишидан кўзланган мақсад ҳам халқаро терроризм ва унга қарши кураш, бу жараёнда халқаро ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган. Конференция кун тартибидаги мавзу — халқаро терроризм муаммосига қарши курашда давлатлараро ҳамкорлик, бу йўналишда олиб борилаётган чора-тадбирлар юзасидан иштирокчиларнинг маърузалари тингланди. Конференцияда «Террористик фаолияти учун судланган шахсларни реабилитация қилиш: муаммо ва ечимлар» деб номланган инглиз тилидаги маърузамда мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари моҳияти, терроризмга қарши кураш, террористик фаолияти учун судланган шахсларни реабилитация қилиш, уларни жамиятта қайтариш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтдим.

Шунингдек, конференция доирасида Сингапур Олий суди ва Бош Атторнейи вакиллари билан учрашиб, улар билан юридик кадрлар малакасини ошириш соҳасидаги тажриба алмашиш имконига эга бўлдик. Шуни алоҳида айтиб ўтишим жоизки, Сингапур давлатида ҳам ҳуқуқшунослар малакасини ошириш дастури, махсус ўқув курслари самараси сифатида мамлакат суд-прокуратура ходимлари касб малакаси узлуксиз ўсиб бормоқда экан.

Сингапур Бош Атторнейи департаменти раҳбари Вилла Редди биз билан учрашувда прокуратура тизимида кадрлар сиёсати, прокурор ходимлар малакасини оширишнинг уч босқичли тизими, прокурорларнинг қонунчиликни такомиллаштиришдаги иштироки ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтди. Шунингдек, у Республикамизда прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш борасидаги фаолиятимизга қизиқиш билдирди.

**— Шу ўринда ўқувчиларимизга Сингапур Республикаси ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтсангиз.**

— Ҳудуд жиҳатидан мўъжазгина Сингапур Республикаси айни пайтда жаҳон иқтисодиётида салмоқли ўрин тутувчи ривожланган давлатлар сирасига киради. Қадимги ҳинд тилида «шер шаҳри» деб номланувчи бу мамлакатнинг муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги унинг Жануби-шарқий Осиёдаги йирик савдо марказига айланишига имкон берган.

Бир ярим аср давомида Британия мустамлакаси остида бўлиб келган Сингапур 1965 йилда суверенитетни қўлга киритиб, мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлай бошлади. Мамлакатнинг тўрт миллиондан кўпроқ аҳолисини асли келиб чиқиши хитой, малайя, ҳиндистон ва европаликлар ташкил этгани боис, хитой, малайя, тамил ва инглиз тиллари расмий тил саналади. Давлат тили малайя, маъмурий тили инглиз тили. Яна бир қизиқ жиҳати — мамлакат аҳолисининг саксон фоизи давлат пойтахти Сингапур шаҳрида яшайди.

Сингапур парламентар республика. Қонунчилик ҳокимиятини 5 йил муддатга сайланадиган парламент амалга оширади. Ижро ҳокимиятини Президент томонидан тайинланадиган Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат ташкил этади.

Савдо, молия, маркетинг ва хизматлар кўрсатадиган, юқори технологиялар ишлаб чиқарувчи, Жануби-шарқий Осиёнинг муҳим транспорт ва коммуникация тармоқлари кесишган Сингапур шаҳри йирик халқаро савдо маркази саналади.

Сингапур нафақат минтақавий, балки халқаро миқёсдаги молиявий марказлардан бири ҳамдир. У банклар, халқаро молия ташкилотлари ва тузилмалари, трансмиллий корпорацияларнинг ваколатхоналари сони бўйича Лондон ва Нью-Йорк шаҳарларидан кейин учинчи ўринда туради.

Шу билан бирга, нефтни қайта ишлаш бўйича Хьюстон ва Роттердамдан сўнг жаҳондаги энг йирик марказ ҳисобланади. Кемасозлик, нефт конларини ишга тушириш ускуна ва қурилмаларини ишлаб чиқаришда етакчи саналади. Мамлакат савдо флоти жами юк ташиш ҳажми бўйича жаҳонда саккизинчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, Сингапурнинг Чанги аэропорти жаҳоннинг энг нуфузли аэропортлари рўйхатидаги етакчи мавқеини бермай келмоқда.

**— Сингапур суд-ҳуқуқ тизими, хусусан, прокуратура тизими ва республикамиз суд-ҳуқуқ тизими ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар нималарда кўринади?**

— Сингапур Республикасида собиқ Британия колонияларига хос юридик муассасалар тизими амал қилади. Бош вазир томонидан тавсия этиладиган, Президент томонидан тайинланадиган Бош Атторней ва у томонидан бошқариладиган прокуратура хизмати мамлакатда жиноий таъқибни амалга оширади.

Бош Атторней давлат айбловчиси сифатида содир этилган ҳар қандай жиноятлар учун жиноий таъқиб қўзғатиш, олиб бориш ва тугатиш ҳуқуқига эга. Бош Атторней ўз вазифаларини амалга оширишда мустақил бўлиб, ҳукумат томонидан назорат қилинмайди. Шунингдек, Бош Атторней ҳукуматнинг бош юридик маслаҳатчиси сифатида мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашда, ҳукумат ва Президент қарорлари ижросининг таъминланишида муҳим рол ўйнайди. Бу мамлакат Конституциясининг 35-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

**— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Суҳбатдош:**
**Шавкат ЁДГОРОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг таҳлили иқтисодий соҳадаги ҳамкорликнинг изчиллик билан ривожланиб бораётганини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда икки давлат иқтисодий ҳамкорлигининг шартномавий-ҳуқуқий асоси шакллантирилган, савдо ҳамда нефт ва газ соҳасидаги инвестицион алоқалар, шунингдек транспорт-коммуникация йўналишидаги ҳамкорлик ҳам ривож топмоқда.**

Икки давлат томонидан савдо-иқтисодий, молиявий ва инвестицион ҳамкорликни кенгайтириш ва бу бўйича ҳукуматлараро комиссия тузиш, икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик ва божхона ишларида ўзаро кўмаклашиш юзасидан техник-иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш каби муҳим ҳужжатлар имзоланган.

2008 йил якунларига кўра икки мамлакат ўртасида товар айланмаси 1,3 млрд. АҚШ долларига етди (2007 йилга нисбатан 43 фоиз ортди), шу жумладан, экспорт 257,4 млн. АҚШ долларини, импорт 1.040 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Экспорт таркибини асосан пахта толаси, кимёвий маҳсулотлар, рангли металлар, энергия манбаалари, машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, хизматлар ва бошқалар ташкил этади. Импорт таркибини эса кимёвий маҳсулотлар, қора металл, машина ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, хизматлар ва бошқалар ташкил қилади.

Бугунги кунда икки мамлакат ўртасида инвестицион соҳадаги ҳамкорлик ҳам ривожланиб бормоқда. Хусусан, икки мамлакат ўртасида имзоланган шартномаларга асосан Ўзбекистонга жами 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида Хитой инвестицияларини жалб қилиш назарда тутилган. Ушбу маблағлар нефт-газ ва кимё тармоғи, коммунал хўжалик, мелиорация ва ирригация, электротехника саноати, телекоммуникация, ижтимоий соҳада лойиҳаларни амалга оширишга, шунингдек кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида иш олиб бораётган Хитой капитали иштирокидаги корхоналар сони 2008 йил якунида 140 тага етди. Бу компаниялар инвестицияларининг умумий ҳажми 30 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Шунингдек, Хитой компанияларининг 26 та ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар асосан енгил ва тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари соҳаларига ихтисослашган.

ХХР компаниялари билан инвестицион ҳамкорликнинг муҳим йўналиши ҳисобланган нефт-газ секторини алоҳида қайд этиш лозим. Бу борада 2005 йилда «Ўзбекнефтегаз» компанияси ва Хитой миллий нефт-газ корпорацияси (CNPC) ўртасида тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш бўйича ҳажми тахминан 600 млн. доллар бўлган қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди. 2006 йилда Ўзбекистонда Хитой капиталининг улуши 100 фоиз бўлган «CNPC Silk Road» шўъба компанияси ташкил этилиб, у ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги Бухоро-Хива, Фарғона ва Устюрт нефт-газ минтақаларида бешта инвестицион блокда геология-қидирув ишларини амалга оширишга киришди. Бунда Хитой корпорацияси Ўзбекистондаги геология-қидирув ишларига 5 йил мобайнида 208,5 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ инвестиция қилади.

Муҳим лойиҳалардан ҳисобланган Буюк Ипак Йўлини тиклаш стратегияси доирасида Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўлини қуриш ва автомобиль магистралини қайта таъмирлаш лойиҳаси яхши имкониятларга эга.

Транзит имкониятларини рўёбга чиқариш истиқболлари ҳам Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли (Қошғар — Иркиштам — Ўш — Андижон — Тошкент) магистрали лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ. Мазкур маршрутни 2010 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Лойиҳанинг дастлабки қиймати 1,2-1,5 млрд. АҚШ долларни ташкил этади (бу маблағлар донорлардан олинади). Темир йўл магистрали Жануби-шарқий Осиёни Европа, Яқин Шарқ ва Форс кўрфази мамлакатлари билан боғлайди. Лойиҳа амалга оширилса, Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг қитъа транзитидаги мавқеи ортади, чунки мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, дастлабки босқичнинг ўзида ташиладиган юклар ҳажми йилига 5 млн. тоннани, кейинчалик эса ушбу кўрсаткич 17-20 млн. тоннани ташкил этиши мумкин. Ушбу йўл юкларни транспортда ташиш вақти ва масофасини фойдаланилаётган йўлларга нисбатан 7-8 кун ва 900 км.га камайтириш имконини беради.

Бундан ташқари, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон автомобиль йўлини реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу лойиҳа Қошғар – Иркештам – Саритош – Ўш – Андижон – Тошкент маршрути бўйлаб катта ҳудудни ўз ичига олади. Бу ерда йўлнинг 450 км. Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтади. Мазкур лойиҳани амалга ошириш ХХР ва Марказий Осиё мамлакатларига замонавий магистрал автомобиль йўлига эга бўлиш имконини беради. Бу йўл ХХРнинг жанубий маршрути (Хитой — Марказий Осиё — Эрон — Туркия — Европа) ҳисобланади. Бироқ ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун йўлнинг Қирғизистон ҳудуди орқали ўтувчи қисмини реконструкция қилишга маблағлар тақчиллиги муаммоси мавжуд.

Умуман, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик кенг доирадаги масалаларни қамраб олиб, ўзаро манфаатли алоқаларга асосланган. ХХР билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон учун халқ хўжалигининг замонавий тузилмалари барпо этилишига, дунё бозорларига элтувчи йўлларни қурилишига ва мамлакат транзит салоҳиятини кучайтиришга ҳамда жаҳон иқтисодий муносабатлар тизими билан интеграцион алоқаларини янада чуқурлаштиришга имконият яратади.

**Эркин АЛМУРОДОВ,**
**тадқиқотчи**

**18 апрель куни «Адолат сари» газетаси ташкил этилганига 12 йил тўлади. Ўтган йиллар давомида газета ҳар томонлама шаклланди. Ўн икки йиллик газета тахламларини варақлаган киши, униб чиққан ниҳолнинг вояга етиш жараёнини кузатгандек таассуротга эга бўлади.**

**Дарҳақиқат, «Адолат сари» газетаси ҳам ана шу давр ичида ўз мухлисларини топди, республикадаги ҳуқуқий нашрлар ўртасида ўз овози, обрўси, ўрнига эга бўлди.**

# Сўз қудрати

Кўп йиллик тажриба натижасида таҳририят ходимлари ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган одилона сиёсатни, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари моҳиятини аҳолига ўз вақтида етказиб келмоқда. Янги қонунларни шарҳлаш, уларнинг мазмунини мисоллар орқали содда тилда етказиш, мутахассислар чиқишларини ташкил қилиш орқали муштарийлар ишончини қозонмоқда.

Журналистлар ихтисослашиши керак, дея фикрловчилар ҳақ экан. Ҳуқуқий журналистикага ихтисослашган таҳририят ходимлари ўз газетаси миқёсида яна ички ихтисослашувга эришган. Анвар Эрмаматов сиёсий шарҳловчи. Мамлакатимиз ва жаҳон майдонида содир бўлаётган ҳеч бир воқеа унинг назаридан четда қолмайди. Шунчаки маълум қилиб қолмай, оламшумул воқеаларга саҳифа-саҳифа шарҳлар ёзади. Ундаги теран фикрлар, теша тегмаган иборалар, қатъий, ишончли хулосалар муштарийлар томонидан доимий таъкидланиб келмоқда. Фан, таълим, вояга етмаганларга доир масалалар, шунингдек соҳа қонунчилиги бўйича Шодиёр Пўлатовдек ёзадиган журналист кам. Унинг жуда кўп мақолалари баҳс-мунозараларга ва эътирофга сазовор бўлган. ФҲДЁ, нотариат, адвокатура, Департаментнинг ҳаёти ва фаолияти, ютуқ ва камчиликлари, қувонч ва ташвишлари, муваффақияти ва муаммолари Хуршида Эрназарова нигоҳида.

Эътиборлиси, ҳар бир ижодкорнинг газетада ўз ўрни бор. Буни таҳририятга келаётган хатлардан ҳам билса бўлади.

Газетанинг доимий ҳамкорларини ҳам муштарийлар яхши билишади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси Азиз Юнусов, «Моҳият» газетаси мухбири Азимжон Қодиров, шоир ва журналист Ориф Ҳожи, Салоҳиддин Зоҳидов... бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Шунингдек, Самарқанд вилоят прокуратураси ва вилоят адлия бошқармаси ходимлари таҳририят билан яқин алоқада. Газетанинг ҳар бир сонини варақлар экансиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг мақолалари эътиборингизни тортади. СамДУнинг ҳуқуқшунослик факультети талабалари-ю ўқитувчилари ҳам газетада фаол иштирок этишади.

Газета мамлакатимиз ҳаётида, суд-ҳуқуқ соҳасида рўй бераётган ҳар бир янгиликнинг фаол тарғиботчиси бўлишга ҳаракат қилмоқда. Газетани чиқаришдан мақсад, аввало, халқнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий билими ва маданиятини оширишдан иборатдир. Шу сабабли унда ёритиладиган ҳар бир мақола халққа етиб бориши учун соддароқ ва равон тилда баён этилади. «Ҳуқуқий хизмат соҳаларида», «Бозор иқтисодиёти ва ҳуқуқ», «Билиб қўйган яхши», «Инсон ва қонун», «Терговчи ҳузурида», «Прокурор назорати», «Прокуратура аралашгач...», «Тадбиркор қонун ҳимоясида», «Очиқ ва аччиқ сўзлар», «Қонли сўқмоқлар», «Огоҳликка даъват» каби доимий рукнлар газета юзига айланган. Улар газетанинг мазмун-моҳиятини, йўналишини, мақсад-вазифасини муваффақият билан ифодалаб турибди.

«Адолат сари» газетаси шу йўлдан собитқадамлик билан бормоқда. Охирги бир йил ичида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, унинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш борасида муҳим вазифалар амалга оширилди. Қонунчиликка катта ўзгаришлар киритилди. Уларнинг ҳаммаси газета саҳифаларида ўз аксини топмоқда.

Жамиятимизга доғ бўлаётган салбий ҳолатларнинг ҳеч бири газета нигоҳидан четда қолмаган. Танқидий материалларнинг сонига эмас, сифатига эътибор қаратилган. «Мактабимиз бор... десак ҳам бўлаверади», «Бугуннинг дарди ёхуд бизда тўлов маданияти қачон шаклланади?» каби танқидий мақолалар шулар жумласидандир.

Буларнинг барчаси ижодий жамоанинг ютуғи, албатта.

Бу билан «Адолат сари» газетасида камчилик ва муаммолар йўқ деган фикрдан йироқмиз. Кўпгина ҳуқуқий нашрларда учрайдиган такрорланувчи рукн ва сарлавҳаларга кўзингиз тушади. Таклиф сифатида шуни айтиш мумкинки, газета мухбирлари жойларда бўлиб ўтаётган ҳуқуқий мавзудаги ўзгаришлардан репортажлар, лавҳалар тайёрласа нашрнинг ўқишлилиги янада ортарди.

Жорий йилдан газета тўлиқ рангли чоп этила бошланди. Бу газетанинг обрўсини, салобатини янада оширди, дейиш мумкин. Ана шу жиҳат ҳам газетхонлар эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

**Акмал АСРОРОВ,**
**Бош прокуратура бўлим катта прокурори**

# Савдойи даҳолар

**Тарихдан кўплаб савдойи даҳолар ўтганлиги маълум. Ҳозир биз эътиборингизга тўрт нафар ярқ этган даҳо шахс ҳақидаги маълумотларни ҳавола этмоқдамиз. Қизиғи шундаки, уларнинг барчаси «бир қайнови ичида» бўлган.**



**ПИФАГОР — юнон математиги.** *(Эрамиздан аввалги 575-500 й.)*

**Даҳолиги:** Бу ўша мактабда барчамиз теоремасини ёд олган шахснинг ўзидир. Бундан ташқари, Пифагор тригонометрия билан шуғулланган, табиат кўринишларини математика йўли билан тушунтириш мумкинлигини таъкидлаган биринчи олим. Ҳатто Афлотундай файласуф Пифагорнинг ишларидан илҳомланиб, демократия назариясини яратган.

**Савдойилиги:** Пифагор ўзининг шахсий динини яратиб олган. Аммо бу дин, яъни Пифагориянизм оддий савдойиликдан бошқа нарса эмас эди. Унда иккита йўналиш, яъни жон кўчиб юради ва ловиялар ёвузликдир, деган йўналиш бўлган. Қандайдир ғайритабиий ловияларни эмас, балки ўзимиз истеъмол қиладиган оддий ловияларни у ёвузлик деб ҳисоблаган.

Унинг савдойи кўрсатмалари:

– Ҳеч қандай ҳолларда ҳам ловиялар истеъмол қилманг.
– Ёстиқдаги барча бурмаларни текисланг.
– Кроватда кўндалангига ётманг.
– Шоҳ кўча бўйлаб сайр қилманг.
– Бўғотларда қалдирғочлар ин қўйишига имкон берманг.

**Лорд БАЙРОН — инглиз шоири** *(1788-1824 й.)*



**Даҳолиги:** Уни Шекспирдан кейин иккинчи иқтидорли шоир ҳисоблашади. 14 ёшидаёқ биринчи асарини эълон қилган. «Дон Жуан» асари инглиз поэзиясидаги энг ёрқин асарлардан биридир.

**Савдойилиги:** У Кембриж университетига келган куниёқ ўзи билан етаклаб келган итини уйига олиб бориб ташлашини илтимос қиладилар. Чунки талабаларга ётоқхоналарда жониворларни асраш ман қилинган эди. Шунда Байрон «Қоидалар мажмуаси»да сақланиши ман этилмаган ҳайвонни, яъни айиғини етаклаб келган. Айиқ ётоқхонада Байрон билан битта хонада яшай бошлайди. Байрон ҳар куни талабалар юрагига ваҳима солиб, уни айланишга олиб чиқарди. Лорд Байрон ҳайвонларни жуда яхши кўрган. Унинг 10 та оти, 8 та бўрибосар ити, 3 та маймуни, 5 та мушуги, бургути, қарғаси ва қарчиғайи бўлган. Отлардан ташқари ҳайвонларнинг барчаси унинг уйида сайр қилиб юришган. Сўнг шоир янги бир қизиқиш пайдо бўлган. У ўзини ҳарбий адмирал ҳис қилиб ўйин ўйнаган. 2 та кичик-кичик тош қаср қурган. Қасрлар ўртасидаги ҳовузда эса ўйинчоқ кемалардан ташкил топган флоти бўлган.



**МИКЕЛАНДЖЕЛО — Уйғониш даврида яшаган италиялик рассом** *(1475-1564 й.)*

**Даҳолиги:** Дунёдаги барча рассомлардан фақат 4 тасининг номи «Ниньзя тошбақа»ларга берилган. Шулардан бири Микеланджелодир.

Унинг яратган асарлари ҳозирги кунгача энг машҳур картиналар ҳисобланади.

**Савдойилиги:** Бу даҳо шахсий гигиенанинг энг оддий қоидаларига ҳам амал қилмаган. У камдан-кам ҳолларда ҳаммомга тушган. Кийимини умуман алмаштирмаган, кўпинча оёқ кийимида ҳам ухлаб қолган.

Рассомнинг ёрдамчиси ёзиб қолдирган маълумотга қараганда, Микеланджело ойлаб чўмилишни ёддан чиқариб юборганлиги боис, бадани илоннинг терисидек пўст ташлаган. Унинг бундай ғайритабиий қилиқлари бора-бора аутизим касалига чаланишига сабаб бўлган. У одамлар билан камдан-кам мулоқотда бўлган. Баъзан суҳбатнинг ўртасидаёқ бурилиб кетворган. Айтишларича, акаси вафот этганида кўмиш маросимларида иштирок этмаган экан. Шундай қилиб, у бутун ҳаётини санъат, аниқроғи мусаввирлик йўлида қурбон қилган.

**Никола ТЕСЛА — физик ва инженер** *(1856-1943 й.)*

**Даҳолиги:** Унинг номи фан оламида барчага таниш. Аммо бу машҳурлик унга вафотидан кейин насиб этган. Роберт Ломас уни «Йигирманчи асрни кашф этган олим» дея таърифлаган эди. Никола Тесла радио, электр энергияси, компьютер техникаси, робот техникаси, радар, баллистик ракеталари ва ядро физикасининг ихтиро этилишида асосий рол ўйнаган.

**Савдойилиги:** У озгина чанг ўтирган ҳар қандай предметга қўл теккизишдан жуда қўрққан. Бундан ташқари, у барча думалоқ нарсаларга ҳам яқин бормаган. Биронта бинога киришдан олдин уч маротаба айланиб кузатган. Бегона шаҳарда биронта меҳмонхонада тунайдиган бўлса, учга қолдиқсиз бўлинадиган рақамли хоналарни танлаган. Овқатланиш пайтида олдида олтитадан уч тўп, яъни 18 та салфетка бўлишини талаб қилган.





**ЭМПЕДОКЛ – юнон файласуфи** *(эрамиздан аввалги 490-430 й.)*

**Даҳолиги:** Эмпедокл фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган энг машҳур даҳолардан бири ҳисобланади. У Италия тиббиёт мактабига асос солган. Милоддан 450 йил аввал у қуйидагиларни аниқлаган:

- Ёруғлик энг катта тезлик билан ҳаракатланишини;
- ер думалоқ шаклда эканлигини;
- марказдан қочувчи куч борлигини;
- ҳаво модда эканлигини;
- эволюция назариясини.

**Савдойилиги:** Эмпедокл ўзини худо деб тасаввур қилган ва ўзининг умрбоқийлигини исботламоқчи бўлган. Бир гуруҳ одамларга у «Этна» вулқони ичига сакраб, у ердан ҳеч қандай зиёнсиз қайтиб чиқаман деган эди. Унинг замондоши бўлган шоир Ричард Осборн шундай ёзган эди:

«Буюк Эмпедокл, гуноҳкор банда
Этна вулқонида кабоб бўлдинг-ку!»

**Йўлдош ПАРДА тайёрлади**

Huquq yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma Г —155. 29 366 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: Y.PARDA
Navbatchi: O.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 22.00 1 2 3 4 5 6 7 8

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda